

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ  
СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ӽЭБЕКИСТОНИМ!

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2014-yil 26-iyul, shanba  
№ 59 (15801)



Ўзбекистон Республикаси

Президентининг  
ФАРМОНИ

## Р.ИРМАТОВНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТҮҒРИСИДА

Халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига кўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансан.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 25 июль



Рустам Назарматов оғлан сурат

## АДОЛАТ, ҲАЛОЛЛИК ВА ОЛИЖАНОБЛИК

Ўзбек ўғлонининг сиймосида яна  
бир бор намоён бўлди

Спорт жуда кўп қаҳрамонларни кўрди. Унинг тарихига минг-минглаб чемпионлар номи битилган. Бироқ уларнинг аксарияти бир миллат ёки мамлакат қаҳрамонларидир. Улар миллионлаб мухлисларнинг меҳрини қозонишган. Бу улкан майдонда миллиардлаб кишиларнинг эътибору ишончини қозониш эса камдан-кам шахсларга насиб этган. Заррача муболагасиз айтиш мумкинки, бугун спорт оламида ана шундай мавқедаги инсонлардан бири юртдошимиз Равшан Эрматовдир. У футбол бўйича 20-жаҳон чемпионатида тўртта учрашувда ҳакамлик қилиб, жаҳон чемпионатларида бошқарган ўйинларнинг умумий сони тўққизтага етди ва бу борада рекорд ўрнатди. Энг муҳими, у ўзига юклатилган вазифани шараф билан уddeлади — барча ўйинларни адолат билан бошқариб, мухлису мутахассисларнинг ишонч ва эҳтиромига сазовор бўлди.

Кече пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейда футбол бўйича жаҳон чемпионатларининг 84 йиллик тарихидаги (чемпионат 1930 йилдан ўтказиб келинади) энг яхши ҳакамлардан бири, Осиёнинг тўрт карра энг яхши рефериси (2008, 2009, 2010, 2011 йиллар) Равшан Эрматов ҳамда унинг ёрдамчиси, ФИФА лайнсмени Абдулҳамидулло Расуловнинг шарафлашмаросими бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислом Каримов фармонига кўра Равшан Эрматовга Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва Президент совғаси — мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Малибу» автомобили, Абдулҳамидулло Расуловга эса «Орландо» автомобили топширилди.

## ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллиги нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш түғрисида»ги қарори энг улуғ, энг азиз байрамимизни кўтаринки руҳда, бунёдкор ҳалқимизнинг буғунги салоҳияти, юртимиз қурдатига ҳамоҳанг тарзда кутиб олишида муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бу жараёнда буғунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларнинг иштироки алоҳида аҳамияти касб этади. Зеро, Ватанимиз тараққиётининг ҳар бир довони ёшларимиз ҳаёти, уларнинг интилишлари, барча соҳада кўлга киритаётган улкан муваффақиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Баҳодир ФАНИЕВ билан ЎзА мухбиригининг сұхбати шулар ҳақида бўлди.

— Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. — Истиқлол йиллари мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, ҳар томонлама баркамол авлодниояга етказиш йўлидаги саъиҳаракатларнинг бекиёс самаралари буғун ҳар бир йигит-қиз ҳаётидаги ўз ифодасини топмоқда, — дейди Б.Фаниев.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида истиқлолимизнинг 23 йиллиги байрами тадбирларини ватандошларимиз, хусусан, ўш авлод қалбидаги чуқур таассурот қолдирадиган

тарзда ўтказиш, мамлакатимиз ёшлари — умумий ўрта, ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқувчилари, олий ўкув юртлари талабалари учун мўлжалланган алоҳида тадбирлар режасини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу жараёнда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам фаол иштирок этимокда.

Президентимиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари

түғрисида»ги қонун қабул қилинди. «Таълим түғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури навқирон авлодга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, уларнинг иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқариш, соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буларнинг барчаси замонида дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш мақсади мусиқасам. Замонавий касб-хунар коллажлари

ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича жаҳонда ўхаши йўқ, ҳалқаро ҳамжамиятнинг ҳакли эътирофига сазовор бўлаётган мақсадли дастурлар асосида юртимизнинг барча жойларида замонавий таълим муассасалари қад ростлади. Биргина 2013 йилда мамлакатимизда 28 янги коллеж қурилди, 381 умумтаълим мактаби, олий ўкув юртлари тизимидағи 45 обьект, 131 касб-хунар коллежи ва лицей капитал таъмирланди. 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 болалар спорти обьекти ва 4 сузиш ҳавзаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланниб, фойдаланишга топширилди.

(Давоми 2-саҳифада)

(Давоми 5-саҳифада)

# ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КҮЗЛАГАН АВЛОД

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги муносабати билан юртимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида «Камолот» ЁИХ томонидан маданий-маърифий тадбирлар бошлаб юборилди. Қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жорий йилнинг априелидан «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестиваллари ўказилмоқда.

Фестиваль доирасида ёшларнинг дунё ва мамлакатимиз миқёсидаги жараёнларга мустакил ва онгли муносабатини, турли ахборот хуруллариға қарши қатый фуқаролик позициясини шакллантиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш йўналишларидағи 14 лойиҳа амалга оширилди.

Ушбу тадбирлар давомида минглаб фаол, изланувчан ёшлар билан учрашдик. Уларнинг кўлга киритган ютуклари, амалга оширилаётган ишлари ҳар қандай кишида фарҳ-иғтихор туйғусини ўйғотади. Кези келганда, бундай лойиҳалар ана шу ёшларни жамоатчиликка кўрсатиш, янги-янги истеъодларни кашф этишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Фестиваллар доирасида ташкил этилган тадбирларда жами 1 миллион 170 минг нафарга яқин ёш жалб этилди. Ушбу лойиҳаларда маданият ва санъат вакиллари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, таникли спортчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармалари билан ҳамкорликда ўтказилган «Ватаним тараққиётiga менинг ҳиссам» лойиҳаси, унинг доирасида ёш ишбилиармонлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмалари ҳамда касб-хунар коллажлари битирувчилари тадбиркорлик сирларини ўргатишга қаратилган семинар-тренинглар ёшларнинг Ватан тақдирига дахлорлик туйғусини янада кучайтириша муҳим аҳамият касб этилмоқда.

Фестиваллар доирасида чекка худудлардаги Ҳаракат фаоллари ҳамда кам таъминланган оиласлар фарзандлари учун ўз худудларидағи тарихий қадамжолар ва мустакиллик йилларида барпо этилган иншоотларга саёҳатлар уюштирилди. Амалга оширилган барча тадбирларда ёшларнинг истиқлол йилларида ҳақимиз томонидан турли соҳаларда эришилган улкан ютуқларни идрок этишига, «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатни чукур англашига алоҳида эътибор қаратилди. Буларнинг барчаси ёшларни шу юрт, шу Ватан фарзанди эканидан фархланишга, ҳар томонлама камол топиши учун яратилган шароит ва кўрсатилаётган эътиборга муносаби бўлишга ундаши шубҳасиз.

— Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда «Ка-

молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати зиммасида қандай масъулиятли вазифалар туриди?

Мустақиллик йилларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг йилдан-йилга ортиб бориши «учинчи сектор»да ижтимоий ташаббусларни кўллаб-кувватлаш ва рафбатлантириш масаласида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириди. Айниқса, ёшлар сиёсати соҳасида давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалини тенглигига асосланган стратегиянинг кўлланилиши ёшлар билан ишлайдиган фуқаролик институтларининг ривожланишига турткি бўлди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг салмоқли қисми ёшлар масалаларига дахлор экани ушбу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг изланиш ва ташаббусларини рўёбга чиқариша муҳим омил бўлмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатимиздаги энг йирик нодавлат нотижорат ташкилотларидан бироридир. Бугунги кунда Ҳаракат таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ёшларнинг орзу-интилишларини кўллаб-кувватлайдиган, ташаббускор етакчилар бошчилигидаги 15 мингга яқин бошлангич ташкилотга эга. Ҳаракат таркибида «Ватан, дўстлик ва ҳалқ-парварлик учун» шиори остида 10-14 ёшдаги икки миллионга яқин ўғил-қизни ўз сафида бирлаштирган «Камолак» болалар ташкилоти фаолият юритмоқда.

Ихтиёрийлик, қонунийлик, ошкоралик, аъзоларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлилиги асосида фаолият юритаётган «Камолот» ЁИХга бирлашган ёшлар бугун иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланишида давлат органлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Жамият ҳаётига дахлор турли қонун ва қарорлар қабул қилинишида фаол иштирок этаётir.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ҳаракат ўз дастурига мувофиқ ёшлар масалаларини ҳал этишда давлат ташкилотлари билан бирга жамоат тузилмалари, жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси билан яқин ҳамкорликни йўлга кўйган. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мазкур ташкилотлар билан ижтимоий ҳамкорликнинг кенг йўлга кўйилгани Ҳаракатни ёшларнинг томондаги таянчи ва сунчига айлантириди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳаракатни ёшларнинг томондаги таянчи ва сунчига айлантириди.

— Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ҳаракатни ёшларнинг таъминлашга қаратилган лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишга,

ёшлар сиёсати соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишга ва амалга оширилаётган лойиҳалар устидан жамоатчилик назоратини таъминлашга, энг муҳими, ёшлар қатламига бўлган ёндашувни ижтимоий шериклик асосида ташкил этишга хизмат қилмоқда.

— Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг ҳуқуқий маданияти, фаол фуқаролик позицийасини шакллантиришга қаратилган лойиҳалар ва уларнинг натижалари хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ёшларни мамлакатимизда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Ҳаракат ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталири, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Ушбу ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида ўютирилган учрашувларда 650 нафардан ортиқ ўғит-қиз қатнашди. Ёшларни суд органлари тизими билан яқиндан таништириш, судьялар билан очиқ мулокотни ташкил этиш мақсадида худудларда 170 дан ортиқ учрашув ташкил қилинди.

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик ҳамда «Шункорлар» ҳарбий-спорт мусобакаларида юз мингдан зиёд ёш иштирок этди. Бу мусобакалар ёшларда Ватанга мұхабbat ва садоқат туйғуларини кучайтиришга, ҳарбий жанговарлик туйғуларини қалдан ўтказишига, юрт ҳавфсизлигини таъминлаш масъулиятини ўзларида хис қилишига имконият яратади.

«Сиз қонунни биласизми?» танловининг 2013-2014 ўкув йилидаги босқичларига акцияси доирасида маҳсус шакллантирилган мұраббийлар томонидан олиб бораётган тарғибот тадбирлари ёшлар турнирларини таъминлаш масъулиятини ўзларида хис қилишига имконият яратади.

Бундан чорак аср олдин ёшлар ўз тақдирига дахлор конун лойиҳаси мұхокамасида иштирок этади, таклиф берида деса, ҳеч ким ишонмасди. Бугун мустакил Ўзбекистон ёшларининг қонун лойиҳаларини нафақат мұхокама этиш, балки улар устидан жамоатчилик назоратини таъминлашдаги иштирокини кўриб, ёшларимиз барча соҳада илгарилаб кетганининг гувоҳи бўламиз.

— «Камолот» ЁИХ ёшларнинг барча қатламларига кириб борган ташкилот сифатида навқирон авлод ўртасида гиёҳвандлик, жиноятчилик каби иллатлар

нинг олдини олиш борасида қандай ишларни амалга ошираётir?

— Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган ибратли нақл бор. Маҳалла-ларнинг «Камолот» ЁИХ билан ўзаро ҳамкорлиги вояга етманганлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлар профилактикасини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этиётir.

Маҳалла фуқаролар йигинлари хузуридаги Вояга етманганлар, ёшлар, спорт ва соғломлаштириш масалалари комиссияси янги низомининг қабул қилиниши ташкилотимизнинг маҳалла институти билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан бирга ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни Ватанга мұхабbat, элюргта садоқат руҳида тарбия топишига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, навқирон авлод қалби ва онгини турли ёт фоялар таъсиридан асрараш борасида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўғил-қизларнинг интеллектуал ва мустакил фикрлаш қобилиятини ривожланиши мақсадида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим муассасаларида «Камолот» шахмат таҳтаси» республика турнири мунтазам ўтказилаётгани, «Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» акцияси доирасида маҳсус шакллантирилган мұраббийлар томонидан олиб бораётган тарғибот тадбирлари ёшлар турнирларини таъминлаш масъулиятини ўзларида хис қилишига имконият яратади.

«Ёшлар чекишига қарши!», «Тоза қўллар» каби қатор лойиҳалар доирасида ёшлар турнири таъсирида салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилган кўплаб учрашувлар, давра сұхбатлари ўютирилаётгани, уларга барча туман ва шаҳарлардан минглаб ёшлар жалб қилинаётгани бу борадаги ишларимиз кўламини кўрсатиб туриди.

— Ёш тадбиркорларни кўллаб-кувватлаш борасида ишлар ҳақида ҳам тўхтатсангиз.

— Ёшларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг замонавий касб-хунарларни эгаллашга бўлган интилишини кўллаб-кувватлаш, турли тўғраклар, ижтимоий ёрдам марказлари, клублар ташкил қилиш орқали ёшларни касбга йўналтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фоалиятига жалб этиш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳарака-

тилинг дастурий вазифалари дандир. Мазкур вазифаларни бажариш мақсадида Ҳаракат қатор ҳамкор ташкилотлар, тижорат банклари билан ҳамкорликда турли кўргазмалар, бўш иш ўринлари ярмаркалари, тадбиркорлик йўналишидаги танловларни ўтказиб келмоқда. «Ватаним тараққиётiga менинг ҳиссам» шиори остида мамлакатимизнинг барча худудида ташкил этилган кўргазмаларда ёш тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарётган маҳсулотларни намойиш қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «BankExpo» кўргазмасида иштирок этган ёш тадбиркорлар тижорат банклари фаолияти билан яқиндан танишди. Кўргазма давомида ёшларда тадбиркорлик кўнікмасини оширишига қаратилган семинарлар ўютирилиб, уларда Ҳаракатнинг тадбиркорларни ҳақида маълумотлар берилди.

«Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари вакиллари, бизнес тренерлар иштирокида «Менинг бизнес foям», «Ёш тадбиркор — юрга мададкор», «Бизнес инкубаторлар» лойиҳаларини самарали амалга оширишига қаратилган ўқувлар ўтказилди.

Касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «Менинг бизнес foям» танлови жорий йилнинг априель-май ойларида бўлиб ўтди. Унинг худудий босқичларида 135 мингдан зиёд битирувчиларни иштирок этди. Танловнинг мамлакат босқичи якунларига кўра 112 нафар ўғил-қизга 1,5 миллиард сўм миқдорида тижорат банкларидан имтиёзли фоизларда кредит олишга тавсияномалар берилди.

Ҳаракатнинг худудий ҳамда маҳаллий бўлимлари қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари негизида «Ёш тадбиркор» маслаҳат марказлари ташкил қилинди. Ёш ишбилиармонлар фоалиятига тўқсунлик қилаётган муаммолар ечимини топишга кўмаклашиш ҳамда ёшлар билан мутахассислар ўртасида доимий мулокотни таъминлаш максадида www.yoshtadbirkor.kamolot.uz махсус интернет саҳифаси очилди. Унда бизнес фоалиятига оид қонун ҳужжатлари, услубий кўлланмалар, янгиликлар жойлаштирилиб, ёш тадбиркорлар учун маҳсус форум ташкил қилинди.

Бугун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг ҳақиқий таянчи ва сунчига айланди. Ҳар бир ўғил-қизни фарзандим деб эъзозлайдиган, уларнинг билим олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун мунтазам фамхўрлик қиласидан Ўзбекистонда ёшлар юксак марзларни зabit этиши, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда намоён этиши табиийdir.

**ЎзА мухбири  
Дилшод КАРИМОВ  
сұхбатлаши.**

«Камолот» ко‘згуси

## Ватан манзараси — болалар тасаввурнига

Фарона шахридаги маданият ва истироҳат боғида «Менинг юртим — менинг тасаввуримда» шиори остида расмлар танлови бўлиб ўтди.

Танловда иккى юздан ортиқ ўғил-қиз — мактаб ўқувчилари ҳамда оромгоҳларга жалб иштирок этди. Болалар иход намуналарини асфальт ҳамда қофозда акс этиришиди. Суратлар лойиҳа доирасидаги кўргазмада намойиш этилди.

Танлов сўнгида юртимизнинг бетакрор қиёфасини расмларида ўзига хос болалинг ҳайратлари билан тасвирлай олган бир гурӯҳ ёш рассомлар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсадалик совғалари билан тақдирланди.

Дилнавоз Қўлдошева

## Обод манзиллар

Намангандаги бир гурӯҳ «Камолот» чилар ташаббуси билан вилоятдаги олтмиш тўртта қабристон ва зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

«Юртимни обод этаман!» лойиҳаси доирасида ўтказилётган ҳайрли тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошлангич ташкилотлари етакчилари, Ҳаракат фаоллари иштирок этяпти. Улар қабристон ва зиёратгоҳлар худуди ҳамда ариқларни маиший чиқиндилардан тозалаб, дарахтларни оқлашмоқда. Ёшларнинг шижаотига катталар ҳам шерик бўляпти. Маҳалла аҳли, ободонлаштириш бошқармаси томонидан ҳашарчиларга меҳнат куроллари ва бошқа керакли жиҳозлар етказиб берилмоқда.

Гулчехра БУВАМИРЗАЕВА

## «Юлдузлар» Форишда

Жиззах вилоятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Жиззах юлдузлари» номли иқтидорли ёшлар фестивали ўтказилмоқда.

Бу гал «Жиззах юлдузлари» Фориш туманидаги ёшлар ҳузурда бўлишиди. Дастрас фестиваль иштирокчилари тумандаги «Хўжабоғон ота» зиёратгоҳида бўлиб, ушбу қадамжонинг тарихи, ўзига хос хусусиятлари билан танишиди. Сўнг форишлик ёшлар учун туман маданият ўйида концерт намойиш этилди. Унинг дастуридан ўрин олган бадиий, маданий чиқишлар форишликларда катта таассурот қолдири.

Ёшлар фестивали вилоятдаги барча туман ва шаҳрларда ўтказилиши режалаштирилган.

Дилшод ЭРГАШЕВ



## «Камалак» ўрмоннаси

Бугунги кунда Сурхон воҳасида саккизта тоғ ва тоғолди болалар стационар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Бу йилги мавсумда воҳанинг беш мингга яқин болаларини соғломлаштириш режалаштирилган.

Узун ва Сариосиё туманларидаги кам таъминланган оила фарзандларидан юз нафари Самарқанд вилоятининг Ургут туманида жойлашган оромгоҳда мириқиб дам олиб қайтишиди. Сурхондарёнинг ўзида оромгоҳларда эса иккى юз нафардан ортиқ кам таъминланган оиласлар фарзандлари, имконияти чекланган болалар бепул соғломлаштирилди. Мавсум давомида эллик нафар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси вилоят касаба ўюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳисобидан ана шундай соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишади. Ҳ.Кулниёзов номидаги соғломлаштириш оромгоҳи базасида интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи ташкил этилган. Унда воҳада истиқомат қилаётган юз нафар истеъодли ўғил-қиз текин дам олиши белгиланган.

— Мавжуд оромгоҳларда болаларнинг мазмунли дам олиши учун вилоятдаги тегиши ташкилот ва муассаса-

лар билан қўшма дастурлар ишлаб чиқилган, — дейди вилоят касаба ўюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ўқтам Ўтаганов. — Шу кунга қадар оромгоҳларда тўрт мингга яқин бола дам олди. Улар учун ҳалқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигига ранг-баранг тадбирлар ўтказиб келяпмиз.

Болаларнинг дам олишларини янада мазмунли ўтказиш учун вилоят «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари ҳам қатор лойиҳалари билан оромгоҳларда бўляпти. Яқинда бир гурӯҳ «Камалак» чилар «Ёзни «Камалак» билан!», «Кувноқ ёз — ўтмоқда соз», «Сен билан «Камолот» сари», «Мунозара» каби лойиҳалар билан Олтинсой туманидаги «Мироб» соғломлаштириш оромгоҳида бўлишиди. Тоғли ҳудудда жойлашган ушбу оромгоҳ мусаф-

ро ҳавоси, сўлим табиати билан кишига ўзгача завқ бағишлади.

— Менда «Ёзни «Камалак» билан!» лойиҳасининг тадбирлари катта таассурот қолдирди. «Камалак» ўрмоннаси» лойиҳасида тенгдошларим билан фаол иштирок этдик. Айниқса, «Кулги», «Хиндулар», «Тиббиёт» бекатлари ёқди. Тенгдошларимнинг лойиҳа ҳақидаги таассуротлари бир олам, — дейди «Мироб» оромгоҳида дам олаётган Музаффар Жумаев.

Оромгоҳда «Камалак» болалар ташкилоти томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар давомида семинар-тренинглар, давра сұхбатлари, мунозаралар, спорт мусобақалари ташкил этилиб, фаол иштирокчилар муносиб рағбатлантирилмоқда. Шу билан бирга, Тошкент тиббиёт академияси талабалари томонидан ўқув-семинарлари ўтказиляпти.

— Тадбирларимиз болаларнинг хоҳиш-истаги, қизиқишиларидан келиб чиқиб ташкил этилади, — дейди «Камолот» ЁИХ Олтинсой тумани кенгаши раиси Аслидин Хуррамов. — Кўпчилик ёшлар кўпроқ спорт мусобақаларини ўтказиш таклифини билдирашади. Айримла-

ри, баҳс-мунозараларга қизиққани учун оромгоҳда «Мунозара» клуби ташкил этилишини исташади. Биз ҳам дам олувларнинг табларидан келиб чиқсан ҳолда янги-янги лойиҳаларни амалга оширяпмиз.

Вилоядда мактаблар қошида ҳам кундузги оромгоҳлар ташкил этилган. Ана шундай оромгоҳлардан бири Термиз туманидаги 14-мактаб қошида фолият юритмоқда. Мактаб ўқитувчилари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кундузги оромгоҳда болалар учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда инглиз тили, спорт ва қизлар учун тўкувчилик тўгараклари ўйлга қўйилган. Маданий тадбирлар доимий тарзда ўтказиб турилади.

Оромгоҳларда ташкил этилаётган бундай тадбирлардан кўзланган асосий мақсад ҳам айнан ўшларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш, бўш вақтларидан самарали фойдаланишни ўйлга қўйиш, шу билан бирга интеллектуал салоҳиятини оширишдан иборатдир. Зоро, ёшлар эртанги нурафшон кунимиз эгалари, юртимиз келажагидир.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» мухбири**

## Бўш Вактишимиз мазмунли ўтмоқда

— дейди тадбир иштирокчиларидан бири

Ёшларнинг турли иллатлар, хусусан, диний ақидапарастлик ва зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, уларни ёт фоялардан асраш, ҳалқимиз, миллатимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, иқтидорларини кашф қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида жойларда қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари, ички ишлар бошқармалари, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Ўзбекнаво» эстрада

бирлашмаси, «Тасвирий ойина» ижодий ўюшмаси, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди вилоят бўлимлари ҳамкорлигига ўтказилётган «Сен билан бирга «Камолот» сари!» шиори остидаги мада-

Madaniyat

ний-маърифий тадбирлар ҳам ана шу мақсадга хизмат қиляпти.

Тадбирлар ҳафтанинг ҳар шанба кунлари Қарши шахридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилмоқда

Тадбир давомида экранларда на мойиш этилаётган «Ватан тақдирига даҳлдорлик — олий мақсадимиз», «Тинчлик учун курашмоқ керак!», «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахти бўлишлари шарт!» номли фильм ва видеороликлар иштирокчи ёшларда катта таассурот қолдирмоқда.

Айни пайтга қадар ташкил этилган тадбирларда қашқадарёлик йигирма минг нафардан ортиқроқ йигит-қиз иштирок этди.

**Шавкат КАРОМОВ,  
«Turkiston» мухбири**



# Талабалар «Камолот» маҳалласини бунёд этмоқда

Жорий йилда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гурухлари Самарқанд шаҳридан барча олий таълим муассасаларида ташкил этилди. Талабалар, асосан, туманлардаги намунавий тураржойлар ҳамда таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва фермер хўжаликларида мавсумий ишларга жалб этилмоқда.



нимдан хурсандман, — дейди талаба Ҳамза Шодиёров. —

Таътилда бўш вақтим мазмунли ўтятпи. Меҳнатимга яраша

ҳақ оляпман. Ҳарна ота-онамга ёрдам-да. Мухими, қишлоқларимиз обод бўлишига менинг ҳам ҳиссам қўшиляпти.

Ёз мавсумидаги Самарқанд давлат университети талабалари, шунингдек, «Сино», «Ўзагросуғурта» очик акциядорлик жамиятлари, «Агромир» қўшма корхонаси, «Шунқор Аҳмедов», «Қобилмирзо» хусусий корхоналари, «Холмўмин Дониёр» фермер хўжалиги, «Истиқлол фунчалари» қурилиш ташкилоти, «Дўстлик» оромгоҳида вақтингачалик иш билан таъминланди. Бундан ташқари, «Бунёдкор»чилар университет биноларини таъмирлашда ҳам фаол қатнашмоқда. Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти талабалари эса Самарқанд ва Оқдарё туманларида қурилаётган тураржой объектларида иш билан банд.

**Наргиза БАХОДИРОВА**



Агар қалбингида ҳайрат туйфуси бор бўлса, юртимиз гўшаларини бир айланинг. Ўша муборак ҳисларингизга арзийдиган ажаб манзаралар сизни маҳлиё этмасдан кўймайди. Масалан, Жиззах вилоятининг Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл, Арнасой, Зарборд, Зафаробод туманларида аҳоли манзилларида, Зомин, Форишнинг чекка тоғли қишлоқларида қад ростлаётган янги тураржойлар кимни хайратлантирмайди, дейсиз?!

## «Мен «Камолот» уйда яшайман»

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда «Камолот» уйлари бунёд этилмоқда. Жиззахлик курувчилар ҳам бундай уйларни куришни аллақачон бошлаб юборган. Унда вилоят «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам фаол қатнашяпти. Улар профессионал курувчиларга ёрдамчи, ҳам меҳнат қилиб, ҳам бунёдкорлик сирларини ўрганишмоқда. Ҳаракат сафидаги ёшлар сони ҳозирча 1187 нафар, бу — камиде шунча тенгдошимиз учун ёзги таътил фойдали меҳнат билан мазмунли ўтмоқда дегани.

Жиззах вилоятида буйил учта туманда — Мирзачўл, Пахтакор ва Фаллаоролда «Камолот» уйларини барпо этиш мўлжалланган. Фаллаорол туманинда Маржонбулоқ шаҳрида икки миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига қурилаётган тўрт қаватли уй вилоятда бунёд этилаётган «Камолот» уйлари ичida энг каттаси ҳисобланади. Бу уйда жами 56 та хонадан мавжуд.

Курилишда Улуғбек Қобилов раҳбарлик қилаётган «Хўмоюн қурилиш сервис» кўп тармоқли иш-

лаб чиқариш фирмаси меҳнаткашлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

— Маржонбулоқ шаҳрида истиқлолимиздан олдин курилиши тугалланмай колган тураржой биноси эндилиқда «Камолот» уйи сифатида қад ростлади, — дейди корхонанинг иш юритувчиси Илҳом Муҳаммадиев. — Бу уйда ўн олтида уч хонали, йигирма тўртта икки хонали ва ўн олтида бир хонали хонадон мавжуд. Мижозлар бўлаjak хонадонини тасаввур қилиши учун намуна сифатида битта икки хонали уйни тайёр қилганимиз. Кўп қаватли уй ҳовлисида болалар уйин майдончаси, автомобиллар кўйиладиган жой, қўни-қўшниларнинг бўш вақтида мириқиб гурунг қилишлари учун махсус ўриндиклар ҳам ўрнатилади.

Илҳом Муҳаммадиев билан шуларни сұхбатлашиб турганимизда, «Камолот» уйига ҳавас қилиб, шу ўйдан бирорта хонадонни харид қилишга жазм қилган юртдошларимиздан бир нечтаси намуна хонадонга кириб, унданда барча шароитлар билан танишиб кетди. Бу шароитлар уларга албатта маъкул бўлган. Буни уларнинг чехрасидаги мамнунликдан билдик.

— Шу уйда яшашни ният қилиб, тумандаги «Камолот»чиларга учрашдим, —



дейди ёш оила соҳиби, Фаллаорол туманиндағи Солин қишлоғида яшовчи, Маржонбулоқ олтин бойитиши фабрикаси автогараж ходими Тўйчи Яхшиликов. — Туман кенгаши раиси Салоҳиддин Алимқулов менга ушбу уйни харид қилишда керак бўладиган барча йўл-йўриқларни кўрсатди. Бунинг учун хужжатларни тайёрлаяпман. Ўнинг шароитлари жуда маъкул бўлди.

Шу куни «Камолот» ЁИХ Фаллаорол тумани кенгаши ва «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигига ёшлар меҳнат ҳаракати аъзоларига «Бунёдкор» ёзуви туширилган «Камолот» футболкалари топширилди. Юз нафардан ортиқ «Бунёдкор»чиларнинг ишни кузатарканмиз, бўш вақтдан унумли фойдаланиши яхши англайдиган ёшларни кўриб уларга

ҳавасимиз келди. Билишимизча, Шодиёр Норбўтаев, Муҳридин Саидвалиев, Ҳусниддин Бурхонов, Баҳодир Жумабоев, Бобур Абдураҳмонов, Элёр Шерматов, Аслиддин Тўраев илғор «Бунёдкор»чилардан экан.

Тасаввур қилинг, кела-жақда ушбу уйда яшовчи хонадон соҳиби кимгадир яшаш манзилини бермокчи бўлса, фалон кўча, фалон даҳа, фалон рақамли ўй деб чўзиб ўтирамайди. Осонгина қилиб: «Камолот» уйида яшайман», деб кўя колади. Демак, бу уйлар «Камолот»нинг нуғузини оширибигина қолмай, давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатадиган фамхўрлигининг ёрқин намунаси сифатида барчанинг онгидаги мустаҳкам муҳрланиб қола-веради.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбери**

## 260 та янги уй

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларига тайёргарлик ишларида Наманган вилояти ёшлари алоҳида ташаббус кўрсатиши. Улар «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида бирлашиб, вилоятда олиб борилган ободонлаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларида фаол қатнашишди. Ҳаммаси чиройли ўтди, спорт ўйинларининг ўзи ҳам, унга атаб курилган иншоотлар ҳам, янгича чирой очган шаҳар ҳам иштирокчи меҳмонларга маъкул бўлди. Бироқ «Бунёдкор»чилар шу билан кифояланиб, муфаққиятлардан «осмонга учиб», «бўшашиб» қолгани йўқ.

Бугун Наманган тумани Ирвадон қишлоғидаги «Орзу» массивида курилаётган икки юз олтмишта намунали ўй-жойлар қурилишида «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари яна фаол. Улар сафига вилоятдаги олий таълим муассасаларининг олти юз нафар талабаси ҳамда маҳаллаларда вақтингача ишсиз бўлган бир юз эллик нафар ёш ўз хоҳистаги билан келиб қўшилди. Улар суваш, бўяш, оқлаш, пардозлаш ишларида устакурувчиларга кўмаклашмоқда. Ишлаган, интилган кам бўлармиди? Улар меҳнатларига яраша ҳақ олишмоқда.

— Яқинда «Орзу» массивида мавсум давомида фаол меҳнат қилаётган «Бунёдкор»чиларни рағбатлантириб, маданий тадбир ташкил этдик, — дейди Ҳаракатнинг Наманган вилояти кенгashi раиси ўринбосари Анъасхон Мамадалиев. — Бу ерда меҳнатсевар талаба-ёшлар учун етарли шароитлар яратилган. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уйлар мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида ўз әгаларига топширилади. «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида фаол иштирок этган ёшлар эса мавсум якунида диплом ва қиммат баҳо совғалар билан тақдирланади.

# АДОЛАТ, ҲАЛОЛЛИК ВА ОЛИЖАНОБЛИК

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

— Камтарона меҳнатлари мизни юқори баҳолаб, давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирлаганлари учун Юртбошимиздан миннэтдорман, — деди Равшан Эрматов. — Жаҳон чемпионати ва бошқа ҳалқаро мусобақаларда ортимизда Ватанимиз, ҳалқимиз турганини ҳис этган ҳолда майдонга тушамиз. Бразилиядаги жаҳон чемпионатида ҳам шундай бўлди. Бундай нуфузли мусобақада битта йўнинг ҳакамлик қилиш ҳам бир баҳт, аслида. Лекин бизга, шукрки, тўртта йўнни ишониб топширишди. Бу ҳам бўлса, авваламбор, бутун ҳалқимизнинг, давлатимизнинг ютуғи. Насиб этса, бизга билдирилаётган ишончни бундан кейин ҳам оқлашга ҳаракат қиласиз.

Тантанали тақдирлаш маросимида таникли шоир ва адиллар, спортчилар, санъаткорлар ҳам иштирок этиб, дил сўзларини айтишди. — Спортчи бўлганим учун, чемпионат давомида сизнинг қалбингиздан қандай ҳислар кечганини жуда яхши ҳис қиласяпман, — деди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нуриддинов. — Лекин ҳар қанақа ҳолатда ҳам сиз ўзингизни йўқотмай, ўйинларни одилона бошқариб бордингиз. Бу билан ўзбекистонлик ёшларнинг, хусусан, спортчиларнинг салоҳияти юқори эканини кўрсатиб бердингиз. Юртбошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!» деган сўзлари барча ўзбек ёшлари қалбидаги сўздир. Ўйлайманки, бу сўзлар ҳамиша биз, спорт-

чиларга, барча юртдошларимизга қанот бўлиб қолади.

Дарҳақиқат, бугун ўзбек спортчилари жаҳон майдонларида юксак натижаларга эришмоқда. Жумладан, жамоавий спорт турларида ҳам салмоқли ютуқлар кўлга киритилмоқда. Булар ўз-ўзидан эмас. Ютуқлар ҳеч қачон осмондан тушмайди. Бунинг учун спортга, авваламбор, катта эътибор қаратиш, мураббийлар тайёрлаш масаласига жиддий ёндашиб, спорт инфратузилмасини ривожлантириш талаб этилади. Барча соҳаларда бирдек тараққиётга эришиш мақсад қилинган мамлакатимизда спортга ҳам жиддий эътибор қаратиласяпти. У бир четда қолиб кетаётгани йўқ, мунтазам ривожланиш жараёни барча спорт турларида, уларнинг ривожига масъуль федерациялар фаолиятида кузатиласяпти. Футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаラримизнинг кейинги тўртбеш

йил ичидаги ҳакам үсишга ёришгани, мунтазам равишда Осиё ва

жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб келишлари, ҳакамларимизнинг энг нуфузли турнирлардаги иштироклари, бу каби ютуқларда Ўзбекистон футбол федерациясининг ҳиссаси, унда амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи асло кам эмас. Тадбирда булар ҳам алоҳида эътироф этилди. Ўз навбатида Равшан Эрматовга Ўзбекистон футбол федерацияси Ижроия қўмитасининг фахрий нишони топширилди.

Тантанали тадбирда Ўзбе-



Жаҳон чемпионати ўйинларини мудафакиятли бошқариб борган Равшан Эрматовга Президентимиз совғаси — «MALIBU» автомобили, унинг ёрдамчиси Абдулҳамидулло Расуловга «ORLANDO» автомобили тақдим этилди.

## Шерзод ҚОСИМОВ, футбол ҳаками:

— Мен Равшан Эрматовга ҳавас қилиб ҳакам бўлганман. Фаолиятимни бошлиган йилларимда ёш бўлишига қарамай, Равшан aka дунё тан олган ҳакам эди. Ҳар доим у кишидан маслаҳат олиб турман. Йўл-йўрик кўрсатишдан эринмайди, камтар ва самимий инсон бўлгани туфайли, керак бўлса, ҳатоларимизни ҳам кўрсатиб турари.

Равшан аканинг самимий, ҳақиқий ўзбекона характери, одиллиги, керак пайтда қаттиққўл, ўрни келганда бағрикенг, олижаноблиги майдонда яққол билиниб турари. Манаман деган юлдуз футболчилар ҳам, қарангни, ўзбек ўйигитининг самимиятига тан беришар экан. Эсларингизда бўлса, ўйинларнинг бирода Равшан Эрматов, қўполлик қилиб, тағин ўзи айёргидан майдонга ётиб олган машҳур футболчининг қўлидан ушлаб турғизиб, сўнгра сариқ карточка кўрсатган, бунга ҳарии ўша «юлдуз» бир оғиз ҳам эътироф билдиrolмай қолганди. Шунда бир нарсага амин бўлдимки, ҳакам аввало, шахс бўлиши керак экан. У майдонда бутунлай ўз ҳукмини ўтказадиган шафқатсиз бир кимса эмас, оддий, аммо футболчилар кўнглига йўл топадиган инсон бўлиши шарт экан. Равшан Эрматовда ҳакам учун зарур бўладиган барча фазилатлар бор. Шунинг учун ҳам уни бутун жаҳон эътироф этаяпти.



## Бахтиёр Мамадалиев, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши етакчи мутахассиси:

— Бугун мен ўзимни жуда ҳам баҳтили ҳис қиласяпман. Негаки, ўзбекистонлик миллион-миллион ёшлар ҳавас қиладиган, бошқарган ўйинларини мириқиб томоша қиласидиган Равшан Эрматовни шарафлаши маросимида нафақат қатнашиб, балки у кишининг қўлларини сиқиб муборакбод этиши менга насаб этиб турарди.

Равшан Эрматовга ҳавас қилишларининг боиси бор. У киши, авваламбор, юртимизни жонидан ортиқ қўрадиган ватанпарвар инсон. Қайси оммавий ахборот воситасида у киши ҳақида мақола ёки лавҳага қўзимиз тушмасин, унда юртдошимизнинг инсонийлик фазилатлари шундай кўриниб турари. Ҳам сўзида, ҳам ишида юртимизга бўлган чексиз севги ва садоқатини намоён этаётган Равшан Эрматов барча тенгдошларим учун ўрнак бўла олади.



Фамхўрлик юксак ғалабалар омили бўлаётганини таъкидладилар. Жаҳон майдонларида Ўзбекистон ҳалқининг, ёшларимизнинг юқори салоҳиятини намоён этгани учун Равшан Эрматов ва Абдулҳамидулло Расуловни кутлаб, кейинги фаолиятларига зафарлар тиладилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Элмурод НИШОНОВ,  
«Turkiston» мухбири.  
Рустам Назарматов  
олган суратлар.**

# Қандай қилиб учта франга улгуриш мумкин?

1 август. Бу кун бутун меҳнат маҳсулини қоғозга муҳрлайдиган, абитуриент билимини синовдан ўтказадиган кун. Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўраётган азиз ёшлар! Сахифамизда собиқ абитуриент тажрибалари асосида ўз тавсияларини берар экан, синовлардан муваффақиятли ўтишингизда у сизга ёрдам беради, деган умиддамиз Ушбу синовдан муваффақиятли ўтиш учун, албатта, кучли билим, ўткир зеҳн талаб этилади. Хўш, имтиҳон куни бизга ўз билимимиз билан бир қаторда яна нималар асқотади?!

## 1-ТАВСИЯ.

**Аввало, ҳаяжонни енгинг!**  
Ҳаяжон энг катта душманинг бўлиши мумкин. У иккиланиш, оқибатда эса хато варианти ташлашга, кодларни нотўғри бўяшга олиб келади. Аввало, дикқатингизни жамлаб, хона назоратчиси тушириган кўринишда бланкларни тўлдиринг. Иккичи даражали ҳар қандай ишни тугатиб, тестларни ечишга тайёрланинг.

## 2-ТАВСИЯ.

**Осонидан бошланг!**

Мутахассисларнинг фикрича, ишни ўзи осон деб топган фанларга доир тестларни ечишдан бошлаш керак. Кўпчилик мен учун энг муҳими биринчи блок тестлари, уларни олдин ечишинг керак деб хисоблади: қийин тестларга бутун кучини сарфлайди ва охирида ечмоқчи бўлган осон тестларда ҳам миядаги зўриқиши туфайли

хатога йўл қўяди. Шунинг учун, аввало, сиз учун енгилроқ бўлган фаннинг осон тестларидан бошланг. Қийин ёки иккilananganlaringizni suning olib koying.

## 3-ТАВСИЯ.

**Чалғиманг!**

Кўпчилик текширишлар шпаргалкалар фойдадан кўра, кўпроқ зарар етказишини исботлаган. Баъзилар ҳали тест саволларини охиригача

## 4-ТАВСИЯ.

**Ўзингизга ишонинг!**

Психологларнинг фикрича, кўз хотираси маълумотларни энг яхши сақловчи хотира хисобланади. Ва кўзингизга энг яқин бўлиб туолган вариант, ишонинг, кўпинча тўғри жавоб бўлиб чиқади. Аммо кўпчилик абитуриентлар ўзларига ишонмай иккилана бошладилар. Натижада тўғри жавоб вариантини «йўқотадилар». Лекин бу кўзимизга биринчи қайси вариант чиройли кўринсан, шуни ташлаш керак дегани эмас. Тестни яхшилаб идрок этиб, сўнгра хулоса чиқариш мухим.

## 5-ТАВСИЯ.

**Тин олинг!**

Бир фандан иккичи фан тестларига ўтар экансиз ёки

бошингиз чарчаганини туйсангиз, З дақиқалик ҳордик олинг. Кўзларингизни юминг. Чуқур нафас олинг. Ва визуализация билан шуғулланинг: Танангизга сув тегаётганини, сочинизни шамол учираётганини, сўлим жойларда дам олаётганингизни тасаввур қилинг. З дақиқадан кейин миянгиз дам олиб, яна янги калла билан ишингизни давом эттираверинг.

## 6-ТАВСИЯ.

**Вахимага тушманг!**

Агар бирорта жавоб вариантини бехосдан янгиш белгилаб қўйган бўлсангиз, асло вахимага тушманг. Чунки ана шу вахима ўз ортидан кўплаб хатоларни эргаштириб келиши мумкин. Хато ҳакида унтуинг ва осойишталикада ишлашда давом этинг. Невропатологларнинг фикрича, миядаги бир асабийлашиб ёки вахима минглаб хужайраларнинг нобуд бўлишига, бу эса мия фаолиятининг сусайишига олиб келади. Текширишлар натижасида қаттиқ вахимага тушган боланинг деярли барча тестларда хатоликка йўл кўйганилиги кузатилган (ваҳоланки, у тинч ҳолатда тўғри вариантларни белгилаш лаёқатига эга бўлган).

**Тест ишлаш жараёнида сизнинг руҳий ҳолатингиз ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун доимо хотиржамлики сақланг.**

## СОБИҚ АБИТУРИЕНТ – БУГУНГИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН СИРЛАШДИК...

**Аброр Рашидов, Тошкент давлат юридик университети талабаси:**

— Ҳаяжон хотиранинг энг катта душмани деб бежиз айтишмайди. Уйингизда тайёргарлик жараёнида тест ечаётгандек, фақат ҳушёрлик билан, ўзингизни эркин тутсангизгина хотира сиз кутган натижани беради. Мен тест ечишнинг сирини, аввало, тестни тўғри тушунишда деб ўйлайман. Агар иккиланиш қўйнаса, саволни қайта-қайта ўқиб, кейин мантиқан нотўғри жавобларни олиб ташлаш жуда катта фойда беради. Яқин келмайдиган жавобларни олиб ташласангиз, тўғри жавоб ҳам ўзини кўрсатади.

**Сайдазиз Аъзамов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси:**

— 1 август ҳеч кимнинг ёдидан кўтарилимаса керак. Ҳали ҳам эслайман. Дастрлабки бешта саволни ечишга деярли ярим соат вақт кетказганиман. Уларни бирин-кетин ўқир эканман, бирортасига жавоб бера олмаётганим шунчалик хавотирга солганки, буларни ташлаб кетиб, кейингиларига ўтиш хаёлимга келмаган. Барча тестларни шундай мураккаб деб ўйлаганман, натижада вақт ютказганиман. Хурматли абитуриентлар, саволлар дафтарчасини қўлга олганингиз заҳоти барча тест топширикларини ўқиб чиқинг ва кейин хотиржам ечишда давом этинг. Дарров вахимага тушманг!

**Дилшода Каромова (Тошкент тиббиёт академияси талабаси):**

— Мен ўқишига иккичи уринишимда кирганман. Дастрлабки йилда қилган хатойимни ҳеч ким тақрорламаслигини истардим. Синов кунига бир кун қолганда дугонам имтиҳонда тушиши мумкин бўлган саволлардан намуналар топганини айтиб қолди. Бундай пайт абитуриент «тушиб қолар» деган илинжда кўлига илашганини ўқир экан. Ҳеч унтугмайман, дугонам иккимиз туни билан мижжа қоқмадик. Эртаси куни бу саволларнинг бирортаси ҳам тушмаганлиги етмаганидек, кимё фанидан берилган масалаларни миямиз чарчаб, ишлашга кучимиз етмади. Бир кун олдинги информацияларга чалғиб, тўғри вариантдан ҳам адашдик. Мен абитуриентларга, аввало, бир кун олдин тўйиб ухланг ва ҳеч қачон ортиқча гап-сўзларга чалғиманг, деган бўлар эдим.

**Дилноза Раҳмонбердиева, Тошкент давлат педагогика университети талабаси:**

— Университетга учинчи йил деганда кирганман. Икки йиллик муваффақиятсизлик мен учун катта сабоқ бўлди: ҳеч қачон шошманг, ҳеч қачон вақтим бор деб бемалол ҳам ўтирманг. «Шошилмасдан, шошилинг!». Ва энг асосийси, дикқатли бўлинг. Биринчи йил имтиҳонда ҳали вақт бор-ку деб, қийин саволларга шунчалик ўралашиб қолганманки, учинчи — мен учун осон бўлган блок тестларининг ҳатто биттасини ҳам белгилашга улгурмай қолганман. Иккичи йилги уринишимда эса, қилган хатойимни бошка тақрорламай деб, шошилиб, исм-фамилиямни ёзишини унтиб, шифр кодларини ҳам нотўғри белгилаб чиқканман. Мандат куни не кўз билан кўрайки, таҳтада «0 балл» деган ёзув туради...

**Сарвар Каримов, Тошкент молия институти талабаси:**

— Имтиҳон пайти энг катта душманим шошқин бўлган. Тайёргарлик пайтларида ҳам тестларни доим тинч аудиторияларда ечиши ўрганган эдим. Ёнимдаги шеригимнинг пицирлаб ўқиши ҳам ғашимга тегиб, фикримни бир жойга жамлай олмаганман ва баъзи саволларда адашганиман. Балларимнинг давлат грантига етмай қолганлигининг сабабини ҳам шунда деб билдим. Агар сизда ҳам дикқатингизни жамлашда муаммолар бўлса, имтиҳон арафасида кулоқчинларда мусиқа эшитиб, тест саволларини белгилашга ҳаракат қилиб кўринг. Бу ҳеч нарсага эътибор бермай, дикқатни жамлашга ёрдам беради.

**Парвина ОМОНОВА, собиқ абитуриент**



## ИЖОДИЙ ИМТИҲОНЛАР ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Мана, юртимиз бўйлаб абитуриент ўшларнинг ҳаяжонли дақиқалари – имтиҳонлар мавсуми ҳам бошланди. 1 августдаги тест синовларига кўшимча тарзда жорий этилган касбий (ижодий) имтиҳонлар ҳам яқин кунларда якунланади.

Ижодий имтиҳон – абитуриентнинг танлаган мутахассислик бўйича ўқиши ва кейинчалик ишлаб кетиши имкониятларини аниқлаш, уларнинг танлаган фанлар бўйича билимлари ва малакалари даражасини, касбий кўникмаларини, ижодий ва жисмоний қобилиятларини баҳолаш учун хизмат қиласи.

Абитуриентлардан касбий (ижодий) имтиҳонлар қабул қилиш учун олий таълим муассасасида фан бўйича имтиҳон комиссияси ташкил этилган бўлиб, имтиҳон бошланишидан бир ой олдин ректорат бўйруги билан олий таълим муассасасида тегишли фанлар бўйича имтиҳонларни ўтказиш масалалари юзасидан тажрибали, малакали ва масъулиятли ўқитувчилардан иборат имтиҳон комиссияси ташкил этилади. Жумладан, Олий ҳамширларни иши йўналиши бўйича имтиҳон комиссияларининг раслари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. Абитуриентларнинг ёзма шаклда бажарган имтиҳон ишларини текшириш ва баҳолаш кириш ёзма имтиҳонларини текшириш ва баҳолаш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

**PS. Ана шу бир ой муддат ичидаги сиз ҳам «собиқ абитуриент» номини олишингизни тилаймиз. Омад ёр бўлсин!**

Ertaning egalari

# Кубнок бекатлар

«Эртаклар — яхшиликка етаклар». Пойтахтимиздаги «Болажон» истироҳат боғида бўлиб ўтган «Ёзни биз билан» болалар фестивалига айнан шу номдаги бекат орқали кириб бордик. Болгинг кириш қисмида ташкил этилган ушбу бекатда ўкувчи-ёшлар турли хил эртак қаҳрамонлари ва мульти-қаҳрамонлар иштирокида кутиб олинди. Улар ўзлари севган қаҳрамонлари билан суратга ҳам тушишди.



Бу йил ёзги мавсумда Тошкент шаҳрида ўттиз олтига мактаб қошидаги кундузги оромгоҳлар ҳамда 251 та мактаб қошида «Софломлашибирлиш майдончалари» ташкил этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги «Сардорлар маркази» аъзоларидан иборат «Ёш тарғиботчиликлар» гурӯҳи барча мактаб қоши-



даги оромгоҳларда бўлиб, маънавий-маърифий, тарбиявий, ҳуқукий ва болалар спортини ривожлантириш йўналишидаги тадбирлар, танловлар, семинарлар ҳамда давра сұхбатлари ўтказиши.

Мазкур фестивал ҳам болажонларининг ёзги таътили мазмунли ўтказишлари, бу орқали уларнинг ижодий ва ижтимоий фаолигини оширишга қаратилган нафбатдаги тадбирлардан бири бўлди. Унга турли йўналишларда яхши натижаларга эришган, ҳалқаро ва республика миқёсидағи танловлар ҳамда мусобақаларда голиб бўлган иқтидорли ёшлар, шунингдек, мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда дам оловчи болалар жалб этилди. Улар фестиваль давомида

«23 йил: Эзгулик, бахт ва орзулар оғушида», «Ёз — ўтмоқда соз!», «Ёшлик наволари», «Ёз жозибаси», «Китоб — бизнинг дўстимиз!», «Спорт — дўстлик элчиси», «Обод юртнинг соғлом болалари» каби бекатларда бўлиб, турли мусобақаларда, маҳорат дарсларида иштиroker этиб, шоир ва ёзувчилар иштирокидаги учрашувларда қатнашиб, фото ва китоблар кўргазмасини томоша қилиши. Масалан, «Ёз — ўтмоқда соз!» бекатида бўлган болалар мусаввирлар ижодидан баҳраманд бўлиши, раскомлика қизиқканлари маҳорат дарсларида қатнаши. Ушбу бекат Чилонзор туманидан Наргиза ва Нодира Шавкатовалар ўз маҳоратларини кўрсатди. Наргиза оддий рангли коғозлардан миллий лиboslar дизайнини яратган бўлса, Нодирахон табиат кўйнида рақсга тушаётган раққосани тасвирилади.

— Дарсдан бўш вақтларимда Шайхонтохур туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказига қатнаяпман, — дейди Чилонзор туманидаги 131-мактаб ўкувчиси Наргиза Шавкатова. — У ерда устозларим Севара Абдуллатирова ва Содик Файзиевдан миллий лиboslar дизайнини ўрганяпман. Яқинда ижодий ишларим билан «Камолак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичида қатнашдим. Келгуси-

да либослар дизайни бўйича ўқиб, яхши мутахассис бўлмоқчиман.

Фестивалга келган болалар «Китоб — бизнинг дўстимиз!» бекатида болалар учун ёзилган янги асарлар билан таниши. «Спорт — дўстлик элчиси» бекатида эса «Турон» якка кураши, «Ўзбек жанг санъати», бадий гимнастика ва хапқидо билан шуғулланяётган спортчиларнинг кўргазмали чиқишини томоша қилиб, стол тениси, шахмат-шашка мусобақаларида маҳоратларини синаб кўриши. Стол тениси мусобақасида рақибларини бирин-кетин мағлубиятга учратаетган ИброХим Содиковнинг хатти-ҳаракатини кўриб, стол тениси тўғарагига қатнашса керак, деб ўйлагандик. Йўқ, у фақатгина уйда отаси билан машғул олиб боришини айтди.

— Ёзги таътилда инглиз тилини ўрганяпман. Учтепа туманидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказининг инглиз тили тўғарагида устозим Наргиза опа дарс ўтаяти. Ҳозир инглиз тилида анча яхши сўзлаша оламан. Бугунги фестивалда тенгдошларим билан бир-биридан қизиқарли тадбирларда иштиroker этиб, мароқли дам оляпмиз.

«Обод юртнинг соғлом болалари» бекатида эстрада санъаткорлари иштирокида концерт дастури ташкил этилди. Болалар эса маза қилиб рақсга тушаши. Фестиваль якунида қизиқарли ва кунвонқ тадбирларда фаол иштирок этган бир гурух фаол болаларга «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар кенгаши томонидан фахрий ёрликлар топширилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбери.  
Рустам Назарматов  
олган суратлар.

Jarayon

## Максадли ислоҳотлар самараси

Юртбошимиз ташаббуси билан истиқоллининг дастлабки йилларида мамлакатимизда таълим соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш максадида мазкур соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди.

Ана шу икки мухим норматив-ҳуқуқий ҳужжат туфайли умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбхунар колледжлари, олий ўкув юртларининг нафақат қиёфаси, балки улардаги шарт-шароит, моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланди. Таълим сифати жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий ихтиёрий-мажбурий бепул таълимнинг жорий этилиши ёшларнинг чуқур билим ёзилашлари, қизиқиши, имконияти ва салоҳиятидан тўлиқ фойдаланган ҳолда мунособ касб танлаши, шу орқали жамиятда ўз ўрнини топишларида мухим омил бўлди.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида глобализация ва интеграция жараёнлари, техник тараққиёт, турли миллат, элатларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалар бўйи-

ча яқин ҳамкорлиги, бирлашиши рўй бермоқда. Шу сабабли, Ватанимизнинг дунё майдонида тараққийларвэр давлат сифатида танилиб, ўз мавқеи ва ўрнига эга бўлиши ҳам айниқса, истиқболимиз эгалари — ёшларимизнинг таълим соҳасидаги мувафақиятли одимларига боғлиқдир.

Юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш доирасида пухта ўйланган маънавий-маърифий тарбия тизими яратилиши, миллий ўзликни англаш, ёшлар онгидаги кўп асрлик маънавий қадриятлар, анъана-ларнинг қайта тикланиши сабабли юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, Ватан тараққиётни ёшларнинг турмуш тарзига айланиб бормоқда. Ёшларнинг таълим соҳасидаги янги марраларни эгаллашларида улар учун имтиёзли иш ўринларининг мавжудлиги, яратилаётган имтиёзлар эса дунё глобаллашувни жараённида уларнинг ҳар томонламида етук, саводли, билимли ва ёнг мухим, маънан баркамол инсон бўлиб етишишларида мухим ўрин тутади.

**Одил ЮЗБОЕВ,**  
Иштихон туман 1-давлат нотариал  
идораси нотариуси.  
Тимур ШУКУРОВ,

Самарқанд вилоят аддия бошқармаси Ҳуқуқий экспертиза ва қонун ҳуқкжатларини туркумлаш шўйбаси катта маслаҳатчиси.



## Энг қимматбаҳо пиёла

Гонконгдаги Sotheby's аукционида Лю Ицян дунёдаги энг қимматбаҳо пиёлани сотиб олди. Хўролар тасвири туширилган нафис чинни пиёла 51 ёшли миллионерга 36 миллион долларга тушди.

Маълумотларга қараганда, 8,2 сантиметр баъндликка эга идиш бундан 600 йил мукаддам «Ченхуа» даврида (1465 — 1487 йиллар) ясалган. Экспертларнинг таъкидлашича, ўша пайтда Минлар сулоласи «табиат қучогидаги баҳтиёр ҳаёт»ни ифодаловчи хўроз ва товуқлар суратини жуда қадрлаган. Қадимий Хитойда ҳам товуқ ва жўжалар куршовидаги хўроз тасвири тўғри курилган шахсий ҳаёт, катта ва аҳил оила рамзини билдирган. Аукционда қайд этилганидек, буюннинг юқори нархи ундаги безакнинг мураккаб техникини ҳамда қадимий нафис чинни сифатидаги камёблиги билан боғлиқ.

## Керакли жойда, керакли пайтда

Испаниянинг «Барселона» футбол клуби янги ҳужумчиси Луис Суарес дисқвалификация муддати якунига етмаса ҳам «Реал Мадрид»га қарши майдонга тушиши мумкин.

Маълумотларга кўра, Испания чемпионатининг янги мавсум тақвимига кўра, «Реал» ва «Барселона» тахминан 25 ёки 26 октябрда ўзаро тўқаш келади. 26 октябрда Мадридда бўладиган учрашувда Луис Суарес майдонга тушиши мумкин. Футболчининг дисқвалификацияси 25 июня бошланган ва 25 октября якунига етади. Тахминларга кўра, Лозаннадаги спорт арбитраж суди Луис Суареснинг дисқалификацияси муддатини қисқартириши мумкин. Эслатиб ўтамиз, футболчи Бразилиядаги жаҳон чемпионатида Италия терма жамоаси химоячиси Жоржио Киелинини тишилаб олиб, FIFA томонидан футboldan тўрт ойга четлатилган эди.

## 232 тишли ўспирин

Хиндишоннинг Мумбай шаҳрида жарроҳлар ўн етти ёшли Ашик Гаванинг 232 та тишини олиб ташлашди.

Боланинг ота-онаси фарзандининг ўнг жағида пайдо бўлиб, ярим йил давомида азоб берган шишидан шифокорга шикоят қилишган. Шифокорлар боланинг оғзида ортича қаттиқ тўқималар борлиги, бола одонтома касаллигига чалинганини аниқлашди. Етти соатлик операциядан сўнг болада 28 та тиш қолди. Операция муваффакиятли ўтиб, ўсмирнинг жағ тузилиши сақлаб қолинди.

## 126 ёшда паспорт олади

Бразилиялик қария Жозе Агинело Душ Сантуш туғилганлик ҳақидағи гувоҳномага 126 ёшида эга бўлди.

У шу пайтгача бирорта ҳужжатга эга бўлмаган ва шу сабаб энди унга паспорт ҳам берилади. 2001 йилдан бўён қариялар уйида яшаб келаётган Сантуш у ердагиларга XX аср ва ундан аввалроқ ҳам содир бўлган воқеалар ҳақида сўзлаб берган. Экспертлар суратдан сўнг унга 1888 йил 7 июля туғилганлигини кўрсатувчи ҳужжат беришди. Жозе Агинело Душ Сантуш ҳассасиз бемалол юради. Ўтиқр ақл ва юмор хиссини сақлаб қолган. Қонидаги холестерин ва қанд миқдори мөъёрида, қон босими ҳам жойида. У ҳеч қанақа касалликка чалинмаган, ҳеч қандай дори қабул килмайди. Бобой баркарор соғлиғи ва узоқ умр кўргани учун Гиннес рекордларидан ўрин олиш ниятида.

**Интернет манбалари асосида**  
**Жавохир КАРОМАТОВ тайёрлади**

Kelajakka qadam

# 318 битирувчи — мутахассис

Наманган шаҳридаги Давлатобод енгил саноат касб-хунар коллежини бу йил 318 нафар ўқувчи битирди. Модельер-конструктор, тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш технологияси, электр жиҳозлари ва электр тармоқларини таъмирлаш, компьютер ва компьютер тармоқларини созлаш, монтаж қилиш ва таъмирлаш техники, тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси, бухгалтерия, молия йўналишларида таҳсил олган йигит-қизлар вилоятдаги корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасаларида амалиёт ўтадилар. Битирувчиларнинг аксарияти корхона, касб-хунар коллежи ва ота-оналар имзолашган уч томонлама шартномага мувофиқ амалиёт ўтаган жойида иш билан таъминланди.

— Колледжа ўқувчилар давоматини яхшилаш, уларни дарсга қизиқтириш борасида оила, маҳалла ва ўқув даргоҳи хамкорлиги йўлга кўйилган. Натижча эса кутилганидек бўлди. Айни кунларда колледжга мактаб ўқувчиларини қамраб олиш ишлари ниҳоясига етди. Бизни кунонтираётгани — ёшлар ўзла-

ри хоҳлаб, таълим муассасасизига ҳужжатларини топширишди, — дейди колледж директори Шавкатжон Мавлонов. — Колледжимизда ўз касбининг фидойилари жамулжам бўлган. Дарсларнинг янги педагогик технологиялар асосида олиб борилаётгани, ўқитувчиларимизнинг ҳар бир топширик-

ни сидқидилдан бажараётгани яхши натижаларга эришишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Бу йил таълим муассасасизида янги йўналишлар — мураббий инстуктор, йигирив ишлаб чиқариш технологияси, пахтага бирламчи ишлов бериш, сувва газ таъминоти технологияси, темир йўллар технологи йўналишлари очилди. Вилоятга керакли мутахассислар тайёрлашда колледж жамоаси

ҳамиша хизматга шай.

Колледжа битирувчи ўқувчиларнинг диплом олиш тадбири катта тантанага айланди. Унда иштирок этган ўқувчиларнинг ота-оналари ўқитувчи-педагогларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишиди. Касб-хунар коллежи дипломига эга бўлган ёшларнинг қувончли онлари бир умрга эсда қоладиган, ёрқин хотираларга бой бўлди. Ях-

ши натижаларга эришган ўқувчилар колледж маъмуриятининг эсадалик совфалари ва фахрий ёрлиги билан тақдирландилар.

**СУРАТДА:** Наманган шаҳридаги Давлатобод енгил саноат касб-хунар коллежи битирувчилари.

**Гулчехра БУВАМИРЗАЕВА.**  
НамДУ талабаси Раҳмонжон  
Мамадалиев олган сурат.

— Вой зикна-эй, бир хасис оғам билан кўшиниман-да ўзи... Майи, бор, үнда ўзимизнинг болтамизни олиб чиқ!

## «Имбилармон» ўзи

Афранди ўзига тошибақса совға қилди. Бир неча кундан сўнг хотинида:

- Ўзинг тошибақаси билан ўйнаяптиши? — деб сўради.
- Ҳа, ана, иккаласи ҳовлида ёнек, чакшиялди.

Латифаларни Алибек саралади.

## ТАБАССУМ

### Хасис

Ота-бала ўтини ёшига чиқшиди:

- Болали, бор, кўшинимиз Абдуллоҳов акангнинг болтасини олиб кел, «ғағам сўраяптилар» дегин!
- Орадан бирор вақт ўтич, ўзи қайтиб келди:
- Да да, Абдуллоҳов амакининг болтаси йўқ, экан.
- Ўзидан сўрағинами, ахир?
- Ҳа, ўзи айтди.

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 5 август** куни «Камолот» ЙИХ Тошкент шаҳар кенгаши раиси **Элбек Шукуров** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқишиниз мумкин.

Савол ва таклифларнингизни [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки (+99871) 233-79-69 телефон раками орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларни совфалар кутмокда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Ўргимчакларни ўрганувчи фан нима деб аталади?

Жавобингизни **1 август** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

**Робиндронат Тҳокур.**

Тўғри жавобни биринчи бўлиб нукуслик Турсунгул Ўтарова йўллади.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Болаларда Ватанга муҳаббат уйғотишнинг энг яхши воситаси оталарнинг Ватанни севишларири.

**Шарль-Луи Секонда (Мантескьё)**

Газетанинг навбатдаги сони 2014 йил 2 август, шанба куни чиқади.

Алпо-минининг тулпори	Туфли товони	Сазан, лаққа	Таймазов (спортчи)	Лекин, бирор	Асотир, афсона	Милтиқ қувури	Номаъум сон	Он, сонни, зум
Сарсон-саргардов	Гўзаллик, малоҳат	Ховли, бошпана	Хамро-кулов (қўшикчи)	Япроқ				
Музда учини воситаси	... ва қўрқиз	Абдулла (шоир)	Матбуот					
			... қиласа бўрнингни тишила					
Мирза (актёр)	Рад этиш	Айгоқчи, жосус	Имзо, автограф	Браун	Ипак курти ёмиши			
			Палов					
		Тилсиз ёв						

Тузувчи: Фахридин Раҳимов

### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигига 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



### Бош мухаррир ўринбосари:

Шукуров  
Мехриддин Эшқобилович

#### Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Коcherгина (бош мухаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи мухаррир:

Бегниязова  
Кумар  
Алламбергеновна

#### Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар қўчаси, 32.

Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: [info@turkiston.uz](mailto:info@turkiston.uz)

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: «Буюк Турон» қўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-757.  
Адади — 7023

Босишига топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 23.00  
ЎзА якуни — 22.25

Оғсет усулида босилган.

1 2 3 4 5